

Қашқадарё вилоят суди
жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг
А Ж Р И М И

2021 йил март ойининг 24 куни, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг биносида, апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида, вилоят суди жиноят ишлари бўйича Ф.Юсуповнинг раислигида, ҳайъати судьялари Х.Бобоқулов ва Ш.Бахтиёровлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Чориевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Қашқадарё вилоят прокуратураси жинойи суд ишини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори Ж.Муминов, судланган Ш.Б ва унинг ҳимоячиси-адвокат Р.Тўлаев, жабрланувчилар С.Ю, И.Ш ва уларнинг вакили-адвокат Э.Улуғхонова, жабрланувчилар С.Н, Б.М ва Ф.Эларнинг иштирокида, судланган Ш.Бнинг ўзига оид суд ҳукми устидан ўзи, ҳимоячиси-адвокат Р.Тўлаев, жабрланувчилар С.Ю, И.Ш ва уларнинг вакили-адвокат Э.Улуғхонова, жабрланувчилар И.Н, Ф.Э ва Б.Мларнинг берган апелляция шикоятларини жиноят иши ҳужжатлари билан кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2021 йил 15 январдаги ҳукмига асосан:

████████████████████, 1983 йил 27 февралда Қаршқадарё вилоятининг Қарши туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам:

- 1) Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 2001 йил 13 февралдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан 9 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазодан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги амнистия тўғрисидаги Қарорига асосан озод қилинган;
- 2) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2010 йил 24 июндаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 62-моддасига асосан 1 йил 11 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 3) Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2010 йил 9 июлдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Жиноят ишлари бўйича Миришкор туман судининг 2011 йил 20 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 5 ой 23 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган;
- 4) Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2010 йил 1 ноябрдаги ажримига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан жиноят иши Ўзбекистон



Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августдаги амнистия тўғрисидаги Қарорига асосан ҳаракатдан тугатилган;

5) Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2011 йил 17 октябрдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазодан 2012 йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги амнистия тўғрисидаги Қарорига асосан озод қилинган;

6) Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2012 йил 2 августдаги ажримига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан жиноят иши ЖК 66¹-моддасига асосан ярашганлиги муносабати билан тугатилган;

7) Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2013 йил 19 августдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 24 сентябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, 1 йил 8 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

8) Жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг 2014 йил 10 июндаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “е,и” бандлари ва 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 3 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2015 йил 19 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 9 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2015 йил 20 октябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 4 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

9) Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2016 йил 7 апрелдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан ЖКнинг 57, 60-моддаларига асосан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

10) Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2017 йил 23 мартдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 219-моддасининг 2-қисми ва 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59, 60, 61-моддаларига асосан 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 2 майдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, унинг ҳаракати ЖК 164-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандларига қайта квалификасия қилинган ва ЖКнинг 59, 60, 61-моддаларига асосан тайинланган 9 йил муддатга озодликдан



махрум қилиш жазоси 4 йил 6 ойга келтирилган, Жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 2019 йил 14 январдаги ажримига кўра, ЖК 74-моддаси 3-қисмининг “в” бандига асосан ўталмаган 2 йил 2 ой 27 кун озодликдан махрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Қарши туман ИИБ Пробацяя гуруҳининг 2020 йил 30 июлдаги 41/2820 сонли маълумотномасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 1 йил 7 ой 20 кунини ўтаган, 7 ой 7 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўталмаган, Қашқадарё вилояти [REDACTED] кишлоғида яшаган, ушбу иш бўйича 2020 йил 23 июлдан хибсда,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 8 йил, ЖКнинг 61, 60-моддаларига асосан 8 йил 6 ой озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланган.

Судланган Ш.Б ҳисобидан жабрланувчи Ф.Энинг фойдасига 20.199.080 сўм, жабрланувчи И.Ннинг фойдасига 21.246.400 сўм, жабрланувчи Ғ.Сахановнинг фойдасига 800.000 сўм, жабрланувчи Б.Мнинг фойдасига 16.009.800 сўм, жабрланувчи Х.Тураевнинг фойдасига 16.009.800 сўм, жабрланувчи И.Шнинг фойдасига 19.751.760 сўм, жабрланувчи С.Юлдашевнинг фойдасига 16.409.800 сўм, жабрланувчи С.Ннинг фойдасига 12.935.880 сўм, жабрланувчи Ш.Хнинг фойдасига 16.869.800 сўм, жабрланувчи Ф.Номозовнинг фойдасига 16.009.800 сўм, жабрланувчи Х.Расуловнинг фойдасига 16.009.800 сўм, жабрланувчи М.Рузиевнинг фойдасига 16.009.800 сўм, жабрланувчи Ф.Азизовнинг фойдасига 45.187.440 сўм, мархума У.Юнинг қонуний вакили Р.Камбаровнинг фойдасига 2.618.300 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.Б муқаддам бир неча бор фирибгарлик ва бошқа жиноятларни содир этганлиги учун судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан ва ахлоқан тузалиш йўлига ўтмасдан, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, фуқароларни Ўзбекистонда фаолият юритаётган нефт-газ компанияларида меҳнат қилиш истаклари юқори эканлигини англаб, танишлари ва бошқа фуқароларга ўзини “Epsilon Development Company” хорижий корхонаси Қашқадарё вилоят бўлимида ва бошқа нефт-газ ташкилотларида ишловчи шахс сифатида кўрсатиб, уларга тиббий кўрикдан ўтиш ва махсус кийим-бош, шунингдек ишга қабул қилинишлари учун олдиндан қонуний тартибда давлат тўловлари борлигини, тўловлар учун квитанция берилишини билдириб, шу орқали фуқароларнинг ишончига кириб, ўзига олдиндан таниш бўлган Қарши тумани “Хонобод” кишлоғида яшовчи кишлоқдоши Саханов Ғиёсиддинга ўзини “Epsilon Development Company” хорижий корхонасининг Қашқадарё вилоятидаги бўлимида ишловчи шахс сифатида кўрсатиб, Ғ.Сахановга “сени Эпсилон компаниясига ишга жойлаштириб қуяман, бунинг учун олдиндан махсус кийим-бош, тиббий кўрик ва тегишли меҳнат ҳужжатларини тахлаш учун давлатга қонуний тўловлари бор” деб айтиб, унинг ишончига кириб, 2019 йил октябрь ойида Ғ.Сахановдан Қарши тумани “Хонобод” кишлоғи ҳудудида дастлаб 200.000 сўм, 2019 йил декабрь ойининг бошида Қарши шаҳар “Чармгар” маҳалласида жойлашган “Дехқон бозори”да 600.000 сўм, 2020 йил январь ойининг ўртасида Қарши шаҳар “Чармгар” маҳалласида жойлашган “Дехқон бозори”да



300.000 сўм пулларини қўлга киритганидан сўнг, жабрланувчи Ғ.Саханов ўзини алданганлигини билиб, бир неча бор ушбу пулларни қайтаришни талаб қилганида, 2020 йил июнь ойининг бошида алдаб олган пулларидан 300.000 сўмини қайтариб, жабрланувчи Ғ.Сахановнинг жами 800.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Ш.Б такроран, 2019 йил ноябрь ойида Қарши шаҳар, “Чақар” маҳалла фуқаролар йиғини, М.Шайхзода кўчаси, 14^А-уйда яшовчи Юсупова Умида Холбозоровнага ўзини “Epsilon Development Company” хорижий корхонасининг Қашқадарё вилоятидаги бўлимига тўлов асосида ишга киритиб қўювчи шахс сифатида намоён қилиб, ўзини ушбу компанияда ишловчи ходим сифатида таништириб, ишга кирмоқчи бўлган фуқароларга ёрдам бера олишини, бунинг учун ҳар бир нафар киши учун 1500 АҚШ доллари тўлов қилинишини, пул тўлангач бу ҳақда тўлов қвитанциясини тақдим қилишини, кейинчалик бошқа харажатлар ҳам бўлишини, ҳужжатлардан паспорт нусхаси, меҳнат дафтарчаси, ИНН рақами, яшаш жойидан маълумотнома, ҳарбий гувоҳнома нусхаси, 6 дона расм ва резюмелар керак бўлишини айтиб, шу орқали У.Юнинг ишончига кириб, 2019 йил ноябрь ойининг охирида унинг яшаш уйи яъни, Қарши шаҳар “Чақар” маҳалла фуқаролар йиғини, М.Шайхзода кўчаси, 14^А-уйда У.Юдан дастлаб қариндоши Хайдаров Шомурод Хуррамовичга тегишли 1500 АҚШ долларини, Номозов Фахриддин Абдимажитовичга тегишли 1500 АҚШ долларини, Эротов Фазлиддин Эсановичга тегишли 1900 АҚШ долларини, 2019 йил 26 ноябрь куни Қарши шаҳар “Чақар” маҳалласида жойлашган “Анҳор” чойхонаси олдида У.Юдан Расулов Хамза Исломовичга тегишли 1500 АҚШ долларини, Рузиев Музаффар Махмутовичга тегишли 1500 АҚШ долларини, Тураев Хусан Омоновичга тегишли 1500 АҚШ долларини, Норбўтаев Илҳом Омоновичга тегишли 2000 АҚШ долларини, Азизов Фурқат Қуватовичга тегишли 4200 АҚШ долларини, Мейлиев Болта Норқизиловичга тегишли 2500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, кейинчалик Б.Мнинг пулларни қайтариш борасидаги бир неча бор қилган талаблари учун 2020 йил февраль ойининг охирида У.Ю орқали унинг 500 АҚШ долларини, 2020 йил июнь ойининг ўртасида 500 АҚШ долларини қайтариб бериб, яна тиббий кўриқдан ўтиш учун Ш.Х, Ф.Номозов, Ф.Э, Х.Расулов, М.Рузиев, Х.Тураев, И.Н ва Б.Мнинг ҳар биридан 300.000 сўмдан, Ф.Азизовдан 1.200.000 сўм, жами ишга киритиб қўйиш учун жуда кўп миқдордаги 162.359.028 сўмга тенг бўлган 17100 АҚШ долларини (2019 йил 26 ноябрь куни 1 АҚШ доллари 9.494,68 сўмга тенг бўлган), жами тиббий кўриқдан ўтиш учун 3.600.000 сўм пулни, ҳаммаси бўлиб жабрланувчиларнинг жуда кўп миқдордаги 165.959.028 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Ш.Б такроран, 2020 йил январь ойининг охирида Қарши шаҳрида жойлашган 1-сонли оилавий поликлиникасида қонуний асосда ишга кириш учун тиббий кўриқдан ўтаётган фуқароларни гўёки ўзи томонидан олиб келинганлигини поликлиника ҳамшираси Сафарова Азиза Уткировнага айтиб, унга ўзини “Epsilon Development Company” хорижий корхонасининг Қашқадарё вилоятидаги бўлимида ишлашини, ишга кирувчилар бўлса ёрдам беришини айтиб, телефон рақамини қолдириб, сўнг А.Сафарованинг турмуш ўртоғи Юлдашев Сирожиддин Рустамович унга қўнғироқ қилиб, “Epsilon



Development Company” хорижий корхонасига ишга кириш тартиби ҳақида сўраганида, Ш.Б унга ўзини “Epsilon Development Company” хорижий корхонасининг Қашқадарё вилояти бўлимида ишлашини айтиб, ишга кирмоқчи бўлган фуқароларга ёрдам бера олишини, бунинг учун ҳар бир нафар киши учун 1500 АҚШ доллари тўлов қилинишини, пул тўлангач бу ҳақда тўлов қвитанциясини тақдим қилишини, кейинчалик бошқа харажатлар ҳам бўлишини, ҳужжатлардан паспорт нусхаси, меҳнат дафтарчаси, ИНН рақами, яшаш жойидан маълумотнома, ҳарбий гувоҳнома нусхаси, 6 дона расм ва резюмелар керак бўлишини айтиб, шу орқали С.Юлдашевнинг ишончига кириб, 2020 йил январь ойининг охирида Қарши шаҳридаги 1-сонли оилавий поликлиникаси олдида, С.Юлдашевдан дастлаб 700.000 сўмни, у орқали унинг қариндоши Шукуров Илёс Ғуломович учун 900.000 сўмни, 2020 йил 5 февраль куни Қарши шаҳридаги 1-сонли оилавий поликлиникаси олдида С.Юлдашевдан ўзини ишга киритиши учун 1500 АҚШ долларини, 2020 йил февраль ойининг ўртасида тегишли ҳужжатларни тахлаш учун С.Юлдашев орқали И.Шнинг 300 АҚШ долларини, 2020 йил 24 февраль куни Қарши шаҳар “Каманди” маҳалласи худудидан ўтувчи темир йўл бекати олдида И.Шдан 1500 АҚШ долларини (2020 йил 24 февраль куни 1 АҚШ доллари 9.526,28 сўмга тенг бўлган), С.Юлдашевнинг жами 14.989.420 сўм пулини, И.Шнинг жами 18.047.304 сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Ш.Б такроран, Юсупова Умида Холбозоровна орқали ўзини “Epsilon Development Company” хорижий корхонасининг Қашқадарё вилоятидаги бўлимига тўлов асосида ишга киритиб қўювчи шахс сифатида кўрсатиб, жабрланувчи Хайдаров Шомурод Хуррамовични шу компанияга қонуний тартибда, тегишли ҳужжатлар асосида ишга киритиб қуйишни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, ундан алдов йўли билан қўлга киритган 1500 АҚШ долларини ва 300.000 сўм пулини қайтаришини сўраб 2020 йил март ойида Қарши тумани Хонобод қишлоғидаги яшаш уйига борган Ш.Хга олган ҳужжатларини барчасини қайтариб бериб, пулларни эса Қарши тумани Хонобод қишлоғидаги янги қурган уйини сотиб беришини, аммо уйининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун пули йўқлигини, агар ҳужжатларни расмийлаштириш учун 860.000 сўм бериб турса, ушбу пулга уйининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб, сўнг уйни сотиб, у ва қолган жабрланувчиларнинг пулларини қайтариб беришини айтиб, шу тариқа Ш.Хнинг ишончига кириб, уни алдаб, фирибгарлик йўли билан унинг 860.000 сўм пулини қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Ш.Б такроран, 2020 йил апрель ойининг ўртасида, ўзига олдиндан таниш бўлган Ғузор тумани, “Буюк қарвон йўли” маҳалласи, Чорвадорлар кўчаси, 32-уйда яшовчи Норбоев Бахтиёр Мавляновичга ўзини “Jizzakh Petroleum” компаниясида ҳайдовчи бўлиб ишлаб келаётганлигини айтиб, унинг ишончига кириб, унинг ўғли Норбоев Сухроб Бахтиёр ўғлини ишсиз юрганидан фойдаланиб, уни “Jizzakh Petroleum” компаниясига ишга жойлаштиришини, бунинг учун олдиндан махсус кийим-бош, тиббий кўрик ва тегишли меҳнат ҳужжатларини тахлаш учун давлатга қонуний 1200 АҚШ доллари миқдоридаги тўлови борлигини айтиб, 2020 йил 28 апрель куни соат 13 ларда С.Нни яшаш уйи Ғузор тумани, “Буюк қарвон йўли” маҳалласи, Чорвадорлар кўчаси, 32-уйда ундан 600 АҚШ долларини (2020 йил 28 апрель



куни 1 АҚШ доллари 10.130 сўмга тенг бўлган), 2020 йил май ойининг бошида Қашқадарё вилоят ҳокимиятининг маъмурий биноси рўпарасида 300 АҚШ долларини (2020 йил 5 май куни 1 АҚШ доллари 10129,39 сўмга тенг бўлган), 2020 йил 10 май куни 3.060.000 сўмни, 2020 йил июнь ойининг бошида “Epsilon Development Company” хорижий корхонасининг Қарши шаҳридаги биноси олдида 450.000 сўмни, жами бўлиб 9.116.451 сўмга тенг бўлган 900 АҚШ долларини ва 3.510.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Ш.Б такроран, ўзини “Epsilon Development Company” хорижий корхонасининг Қашқадарё вилоятидаги бўлимига тўлов асосида ишга киритиб қўювчи шахс сифатида кўрсатиб, жабрланувчи Юсупова Умида Холбозоровна, унинг қариндош ва танишларини шу компанияга қонуний тартибда тегишли ҳужжатлар асосида ишга киритиб қўйишини ваъда қилиб алдаб олган пулларини қайтаришини сўраб, 2020 йил 28 май куни Қарши тумани Хонобод қишлоғидаги яшаш уйига келган жабрланувчи У.Юга пулларни Қарши тумани, Хонобод қишлоғидаги янги қурган уйини сотиб беришини, аммо уйининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун пули йўқлигини, агар ҳужжатларни расмийлаштириш учун 250 АҚШ доллари бериб турса, ушбу пулга уйининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб, сўнг уйни сотиб, у ва қолган жабрланувчиларнинг пулларини қайтариб беришини айтиб, шу тариқа У.Юнинг ишончига кириб, ундан 150 АҚШ доллари, 2020 йил 29 май куни Қарши тумани Хонобод қишлоғидаги яшаш уйида яна 100 АҚШ долларини (2020 йил 29 май куни 1 АҚШ доллари 10139,30 сўмга тенг бўлган), жами бўлиб У.Юнинг 2.534.825 сўмга тенг бўлган 250 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Ҳимоячи-адвокат Р.Тўлаев шикоятда, судланувчи Ш.Бнинг С.Ндан 1.200 АҚШ доллари, А.Сафарованинг турмуш ўртоғи С.Ю ва қариндоши И.Шдан 3.300 АҚШ доллари, У.Юдан 17.000 АҚШ долларини қарзга олганлиги ҳақидаги тилхатидан келиб чиқиб, ушбу пулларни ўзи олмаганлигига баҳо беришни, Ф.Э, И.Н, Б.М, Ш.Х, Ф.Номозов, Х.Расулов ва М.Рузиевлардан пулларни Ш.Х ва У.Ю олганлигидан келиб чиқиб, унинг айбидан чиқаришни ва етказилган зарарни ундириш қисмини бекор қилишни, Ш.Бнинг айбига иқроп ва пушаймонлигини, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини инobatга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судланган Ш.Б шикоятда, Ф.Э, И.Н, Б.М, Ф.Номозов, Ш.Х, Ф.Азизов, Х.Тураев, Х.Расулов ва М.Рузиевлардан пул олмаганлиги, уларни ишга жойлаштиришни Ш.Х ва марҳум У.Ю ваъда қилиб, пул олганини, ушбу ҳолатга баҳо берилмаганини, қолган эпизодлар бўйича айбига иқроп ва пушаймонлигини, зарарни қоплаш чораларини кўришини билдириб, унинг оилавий аҳволини инobatга олиб, енгиллик беришни сўраган.

Жабрланувчилар С.Ю ва И.Шларнинг вакили – адвокат Э.Улуғхонова шикоятда, Ш.Б етказилган зарарни қоплаш чораларини кўрмаганлигини ва илгари бир неча бор айнан шу каби жиноятлар учун судланганлигини инobatга олиб, унга энг оғир жазони тайинлашни ва етказилган зарарни ундириб беришни сўраган.

Жабрланувчи И.Н, Ф.Э ва Б.Млар шикоятларида, Ш.Б ва У.Юлар уларни ишга киритиб қўйишни ваъда қилмаганликларини, аксинча Ш.Х



уларга ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, ҳужжатларни ва пул олиб кетганлигини, кейинчалик пулни “Шухрат”-деган болага берганлигини, иш ҳал бўлишини айтиб юрганини, Ш.Х ва У.Юлар Ш.Бга ҳар бир кишини ишга киритиш учун 900-1000 АҚШ долларидан бериб, қолган ярмини ўзларига олиб қолганликлари тасдиқланганини, Ш.Х улардан олган пул эвазига цех очганлиги, тўйхона жиҳозлари, машиналар сотиб олганини, бироқ унинг фирибгарлик ҳаракатларига баҳо берилмаганини, суд ҳукмини бекор қилиб, Ш.Хнинг ҳаракатларига ҳам баҳо бериш учун ЖПКнинг 417-моддаси тартибида прокурорга юборишни сўраганлар.

Апелляция инстанцияси суди иш бўйича судья Ш.Бахтиёровнинг маърузасини, прокурор Ж.Муминовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, судланган Ш.Бнинг ва унинг ҳимоячиси-адвокат Р.Тўлаевнинг суд ҳукмини ўзгартириб, унинг айби бўлмаган эпизодларни чиқариб, енгиллаштирувчи ҳолатларни инobatга олиб, енгилроқ жазо тайинлаш, жабрланувчилар С.Ю, И.Ш ва уларнинг вакили-адвокат Э.Улуғхонованинг судланган Ш.Бдан етказилган зарарни ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўриш, жабрланувчилар С.Н, Б.М ва Ф.Эларнинг уларни Ш.Х алдаб кетганлигини эътиборга олиб, айнан Ш.Хга қонуний чора кўришни ва етказилган зарарни ундириш бериш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, апелляция шикоятларида келтирилган вазларни жиноят иши ҳужжатлари асосида ва судда аниқланган ҳолатлар билан атрофлича муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Судланган Ш.Б апелляция инстанцияси судида, шикоятини қувватлашини, Ф.Э, И.Н, Б.М, Ф.Номозов, Ш.Х, Ф.Азизов, Х.Тураев, Х.Расулов ва М.Рузиевлардан пул олмаганлиги, уларни ишга жойлаштиришни Ш.Х ва марҳум У.Ю ваъда қилиб, пул олганини, ушбу ҳолатга баҳо берилмаганини, Ф.Э, И.Н ва Б.М билан уларни ишга киритиш ҳақида умуман гаплашмаганини, улар билан кўришмаганини, уларга Ш.Хдан уларнинг пулини олганлиги, тез орада ишлари ҳал бўлиши ҳақида айтмаганини, аслида уларни айнан Ш.Хнинг ўзи алдаб, ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб пул олиб, жияни У.Ю билан бирга ишлатиб юборганликларини, кейинчалик зарарни тўлашдан қочиб, ушбу пулни унга берганликлари ҳақида ёлғон кўрсатувлар бериб, терговни чалғитиб, ушбу зарарни ҳам унинг зиммасига қўйиб юборишганини, тергов ва суд жараёнида бу ҳақида ундан ташқари жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам тўғридан-тўғри кўрсатув берган ва илтимоснома киритган бўлсалар-да, эътиборга олинмаганини, Ш.Х фирибгарлик йўли билан қўлга киритган пул маблағи ҳам унинг зиммасига қолиб кетганини, И.Шкуров ва С.Юлдашевдан олган пул бўйича 2.600 АҚШ доллари қарздорлиги қолганини, қолган пулни И.Шнинг турмуш ўртоғининг ўзи қайтариб олганини, эндликда эса ушбу пулни олмаганлиги ҳақида ваз келтириб турганликларини, аслида пулни бир қисмини ундан олганлигини аниқ эканлигини, С.Ндан олган пулга иқдорлигини, тез орада қайтариш чораларини кўришини, ишни адолатли ҳал қилишни, Ш.Х ҳам ўзи содир қилган жинояти учун жавоб бериши кераклигини билдирди.

Жабрланувчи Б.М апелляция инстанцияси судида, Ш.Х маҳалладоши бўлишини, Ш.Х унга “Эпсилон” компаниясида кадрда ишлаб келаётганини, уни ишга киритиб қўйиши мумкинлигини айтганлигини, лекин унга бошқа шахслар орқали уни ишга киритиб қўйиш ҳақида умуман айтмаганини, унга



ишонганлиги сабабли пул берганлигини, кейинчалик уни Қарши шаҳрига чақириганлигини, тез орада иши ҳал бўлишини, “Шухрат” исмли киши ҳал қилишини айтиб, унинг телефон рақамини берганлигини, лекин “Шухрат”нинг ўзи билан гаплашмаганини, бир марта У.Юнинг уйига борган вақтида Ш.Бни кўрганлигини, лекин у билан гаплашмаганини, ундан бошқа 15га яқин одам бўлганлигини, Ш.Б ҳозирда Тошкент шаҳридаги текширувчилар келганини, тез орада ишлар ҳал бўлишини айтганлигини, лекин Ш.Б унга пулни олганлиги ҳақида умуман гапирмаганини, пулни Ш.Хга берганлиги сабабли ишни ундан талаб қилиб юрганлигини, Ш.Х унга пулни Ш.Бга берганлигини айтмаганини, фақат “ҳал бўлади”-деб, алдаб юрганлигини, Ш.Б билан иш ҳақида умуман гаплашмаганини, унга нисбатан бу масалада даъвоси ҳам йўқлигини, унга ишга киритиб қўйишни айнан Ш.Х айтганлиги, ўзини “Эпсилон” компаниясида “кадрда ишляпман”-деб, айтганлигини, унинг гапларига ишонганлиги сабабли пул берганлигини, пулни ундан айнан Ш.Хнинг ўзи олиб кетганлигини, кейинчалик Ш.Х пулни алдаб олганини, бунинг ҳисобидан ўзига мол-мулк қилиб олганлигини билганини, у каби бошқа қишлоқдошларни ҳам айнан Ш.Х алдаганлигини, улар Ш.Хнинг устидан ариза ёзганликларини, лекин кейинчалик Ш.Х пулни Ш.Бга берганлигини айтиб, ўзини олиб қочганлигини, нима учун у билан мулоқот қилиб, ўзини “Эпсилон компаниясида кадрда ишляпман”-деб айтиб, у ва бошқаларнинг ишончига кириб, пулни шахсан олиб кетган Ш.Х жавобгарликка тортилмасдан қолиши кераклигини, ахир улар Ш.Хнинг алдовига ишониб пул берганликларини, бу жараёнда Ш.Б умуман бўлмаганини, уларга бирон нарсани ваъда қилмаганини, бундай ҳолда уларни алдаган ва ишончларига кириб пулларни қўлга киритган Ш.Х жавобгарликка тортилиши кераклигини, айнан шу масалада шикоят ёзиб, ўз илтимосномаларида бу ҳақида аниқ кўрсатишганини билдирди.

Жабрланувчи И.Ш апелляция инстанцияси судида, Ш.Бни турмуш ўртоғи орқали таниганлигини, ўзаро учрашган вақтларида турмуш ўртоғи ҳам бўлганлигини, И.Ш ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қилганлигини, 1500 АҚШ долларини шахсан унга ўзи берганлигини, кейинчалик божаси С.Ю ҳам 1.800 АҚШ доллари берганлигини, бу ҳақида тихлат ва телефон орқали сўзлашувларнинг аудиёзувлари борлигини, тергов органига тақдим қиланганлигини, Ш.Б шу вақтга қадар пулнинг бир қисмини унинг турмуш ўртоғи қайтариб олганлиги ҳақида умуман айтмаганлигини, бугунги кунда бу ҳақида ёлғон важлар уйлаб топганлигини, аслида берган пулни умуман қайтариб олмаганликларини, Ш.Б уларни алдаб кетганлигини, зарарни тўлик ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Ф.Э апелляция инстанцияси судида, Ш.Х ҳамқишлоғи эканлигини, Ш.Хни ўз машинасида Қарши шаҳрига олиб боришда “Эпсилон” компаниясининг кадрлар бўлимига ишга кирганлигини, агар ишга қирувчилар бўлса уларнинг ҳужжатларни топширишга ёрдам беришини айтганлигини, шунда жияни О.Тиловов ишсиз юрганлиги сабабли ишга жойлаштириб қуйишини сўраганини, Ш.Х 2000 АҚШ доллари миқдорида давлат тўлови борлигини, ушбу тўловни қилса қвитанция берилишини, кейин ушбу тўлов ҳисобидан махсус кийим бош ва бошқа нарсалар берилишини айтганлигини, жияни О.Тиловов ҳам рози бўлганлигини, орадан 4-5 кун ўтиб Ш.Хга жияни О.Тилововни “Эпсилон” компаниясига ишга жойлаштириб қўйиши учун 1900



АҚШ доллар ва О.Тилововнинг ҳужжатларини бериб юборганлигини, 2020 йил январь ойининг ўрталарида Ш.Х унга қўнғироқ қилиб, Қарши шаҳрида жойлашган “Эпсилон” компаниясига жияни О.Тилововни келишини айтганлигини, аммо О.Тиловов айтган манзилга бориб кутиб-кутиб қайтиб кетганлигини, Ш.Хдан иш қачон ҳал бўлишини сўраганида, пулни Ш.Б деган шахсга берганлигини, ўзи ҳам кутиб юрганлигини, тез орада ҳал бўлишини айтганлигини, 2020 йил 12 январь куни Ш.Х унга Қарши шаҳридаги “Зармас” клиникасида тиббий кўрик бошланганлигини, О.Тилововни тез шу ерга келишини айтганлигини, О.Тиловов у ерга борганида Ш.Б клиникадаги текширувлар учун ундан 300.000 сўм олганлигини, аммо орадан анча вақт ўтса ҳам иш ҳал бўлавермагач, пулларини Ш.Хдан талаб қилганида, пулни Ш.Бга берганлигини, тез орада олиб беришини, ўзи ҳам ишга кириш учун Ш.Бга пул берганлигини айтганлигини, аммо пуллар қайтавермагач, Ш.Х билан бир неча марта Қарши тумани “Ҳонобод” кишлоғига Ш.Бнинг яшаш уйига боришганлигини, аммо натижа бўлмаганлигини, лекин тергов давомида Ш.Хнинг ҳаракатларига баҳо берилмаганини, фақат Ш.Бни айблаш билан чекланганини, ҳолда уларни алдаган ва ишончларига кириб пулларни қўлга киритган Ш.Х жавобгарликка тортилиши кераклигини билдирди.

Жабрланувчи С.Юлдашев апелляция инстанцияси судида, ҳақиқатдан ҳам Ш.Бга 1.800 АҚШ долларини ишга киритиб қўйишни ваъда қилганлиги учун берганлигини, унинг кўрсатувларини тасдиқловчи Ш.Бнинг тилхати ва аудиёзувлари борлигини, тергов органига тақдим қилганликларини, Ш.Бнинг пулни бир қисмини қайтарганлиги ҳақидаги гаплари ёлғон эканлигини, пулни умуман қайтариб олмаганликларини, унга нисбатан қонуний чора кўриб, зарарни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи С.Н апелляция инстанцияси судида, Ш.Б билан отаси орқали танишганлигини, ўзи илгари чет элда ишлаб юрганлигини, Ш.Б Ўзбекистонда давлат корхонасига ишга киритиб қўйишни ваъда қилганлигини, отасига таниш бўлганлиги сабабли унга ишониб пул берганлигини, лекин шу кунга қадар қайтариб олмаганлигини, зарарни ундириб беришни сўради.

Судланган Ш.Бнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилганликдаги айби, судланган, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг дастлабки тергов, биринчи ва апелляция инстанцияси судидаги кўрсатувлари, жабрланувчи У.Юнинг Ш.Б “Epsilon Development Company” хорижий корхонасига қариндошларини ишга киритиш учун ундан 17000 АҚШ доллари олиб, пулларини қайтармасдан, ҳозирги кунга қадар уни алдаб, пулларини қайтармаётганлиги сабабли унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб ИИБга ёзган аризаси ва тушунтириш хати, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизма ва фотосуратлар, судланувчи Ш.Бнинг жабрланувчи У.Юдан 17000 АҚШ доллари олганлигини тан олиб, пул топганда бўлиб-бўлиб қайтариши ҳақидаги тушунтириш хати, диктофонга ёзиб олинган У.Ю ва Ш.Б ўртасидаги сўзлашувларни эшитиб кўриш ҳақидаги баённома (унда Ш.Бни У.Юдан пул маблағларини олганлигини тасдиқловчи сўзлари мавжуд), жабрланувчи С.Юлдашевнинг 2020 йил 27 февраль куни Ш.Б уни “Epsilon Development Company” хорижий корхонасига ишга киритиш учун 3300 АҚШ долларини олиб, пулларини қайтармасдан, ҳозирги кунга қадар уни алдаб, пулларини қайтармаётганлиги сабабли унга нисбатан



қонуний чора кўриб, пуллари қайтаришни сўраб ИИБга ёзган аризаси ва тушунтириш хати, шахсни фотосуратдан таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисидаги, тақдим қилинган нарсани олиш ва кўздан кечириш тўғрисидаги баённомалар, судга оид хатшунослик экспертизасининг 2020 йил 28 августдаги 161-сонли хулосаси (унда судланувчи Ш.Б номидан ёзилган, С.Юлдашевдан 1500 АҚШ доллари, С.Юлдашевдан 1500 АҚШ доллари, У.Юдан 150 АҚШ доллари, У.Юдан 17000 АҚШ доллари олганлиги ҳақидаги тилхатлардаги ёзув ва имзолар судланувчи Ш.Бнинг ўзига тегишли эканлиги, фақат А4 форматдаги оқ қоғозга ёзилган тилхат нусха бўлганлиги сабабли ундаги имзони тадқиқ этишнинг имкони бўлмаганлиги кўрсатилган) ҳамда тақдим қилинган тилхатларнинг асл нусхалари ва намуналар, тақдим қилинган нарсани олиш ва кўздан кечириш тўғрисидаги баённома ҳамда тилхат, дастлабки тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ишда тўпланган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган.

Апелляция инстанцияси суди, судланган Ш.Б ва унинг химоячиси-адвокат Р.Тўлаевнинг шикоятларидаги, жабрланувчилар Ф.Э, И.Н, Б.М, Ф.Номозов, Ш.Х, Ф.Азизов, Х.Тураев, Х.Расулов ва М.Рузиевлардан пул олмаганлиги, уларга ишга киритиб қўйишни ваъда қилмаганлиги ҳақидаги важлари билан келишмади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, **мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш** ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши;

5-бандида, фирибгарликда ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулкдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Қонун мазмунига кўра, алдаш деганда, мол-мулк эгаси ёки **мол-мулк ишониб топширилган шахсининг** ўзи уни фирибгарга ихтиёрий равишда, ўз хоҳиши билан беришга эришиш мақсадида, жабрланувчини чалғитиш учун айбдор шахс томонидан ҳар қандай фактни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб ёлғон маълумотларни хабар қилиш тушунилади. Бунда алдаш усуллари турли хил бўлиши мумкин. Алдаш оғзаки, ёзма бўлиши, шунингдек ўзгалар мол-мулкни ёки қандайдир моддий бойликларни кўлга киритиш мақсадида турли ҳаракатларни содир этишда ва муайян бир ҳужжатларни қалбакилаштиришда ифодаланиши мумкин.

Дастлабки тергов, биринчи ва апелляция инстанцияси судларида, судланган Ш.Б дастлаб У.Ю билан танишиб, унга била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотларни хабар қилиб, ҳақиқий фактларни яшириб, унинг ишончига кириб, фуқароларни Ўзбекистонда фаолият юритаётган нефт-газ компанияларида меҳнат қилиш истаклари юқори эканлигини англаб, танишлари ва бошқа фуқароларга ўзини “Epsilon Development Company” хорижий корхонаси Қашқадарё вилоят бўлимида ва бошқа нефт-газ



ташкilotларида ишловчи шахс сифатида кўрсатиб, уларга тиббий кўриқдан ўтиш ва махсус кийим-бош, шунингдек ишга қабул қилинишлари учун олдиндан қонуний тартибда давлат тўловлари борлигини, тўловлар учун квитанция берилишини билдириб, айнан У.Юдан бошқа жабрланувчилар, яъни Ш.Х, Ф.Номозов, Х.Расулов, М.Рузиев, И.Н, Ф.Азизов, Б.Мларни ишга киритиб қўйиш учун жуда кўп миқдордаги 165.959.028 сўмни олиб, алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан фирибгарлик жиноятини содир этганликлари шак-шубҳасиз тасдиқланган.

Судланган Ш.Бнинг жабрланувчилар билан танишишидан бошлаб ўтган давр мобайнидаги ҳаракатлари унинг айнан ўзгаларнинг мулкларини қўлга киритиш мақсадида бошқалар орқали жабрланувчиларнинг ишончига кириб, алдаб, уларнинг мулкларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлигидан далолат беради.

Бундай ҳолда, судланган Ш.Б ва унинг ҳимоячиси-адвокат Р.Тўлаевнинг шикоятларидаги ушбу айб эпизодлари бўйича Ш.Б айбсиз эканлиги ҳақидаги важларни асосли деб бўлмайди.

Бундан ташқари, судланган Ш.Бнинг бу важлар дастлабки тергов ва биринчи инстанция судининг ҳукмида атрофлича муҳокама қилиниб, ўз исботини топмаганлиги сабабли асослангандир қолган ҳолда рад қилинган.

Апелляция инстанцияси суди, жабрланувчи И.Н, Ф.Э ва Б.Мларнинг шикоятларидаги, Ш.Б ва У.Юлар уларни ишга киритиб қўйишни ваъда қилмаганликларини, аксинча Ш.Х уларга ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, уларнинг мулкларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги, унга нисбатан қонуний чора кўрилмаганлиги ҳақидаги важларни муҳокама қилиб, қўйидаги тўхтамга келди.

Жумладан, Қарши шаҳар ИИО ФМБ 4-сонли ИИБ ТБ бошлиғи О.Хамидов томонидан “Жиноят ишини бир қисмини тугатиш тўғрисида”ги қарорга асосан Ш.Х ва У.Юларга оид қисми жиноят таркибини исботловчи далиллар мажмуи аниқланмаганлиги сабабли тугатилган.

Апелляция инстанцияси судида, жабрланувчилар И.Н, Ф.Э ва Б.Млар шикоятларидаги илтимосномалари ҳамда судланган Ш.Б ва унинг ҳимоячиси-адвокат Р.Тўлаевнинг илтимосномаларига асосан, иш бўйича бошқа шахсларни ҳам жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 417-моддаси тартибда материалларни айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга топшириш ҳақида ажрим чиқарилган.

Қарши шаҳар ИИО ФМБ 4-сонли ИИБ ТГ катта терговчиси Ж.Бўриевнинг 2021 йил 20 мартдаги қарорига асосан Ш.Хнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини исботловчи далиллар мажмуи аниқланмаганлиги сабабли тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁸-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, прокурорнинг айбловга қўшимча киритиш ёхуд янги шахсни ишда айбланувчи сифатида иштирок этиш учун жалб этиш мумкин эмкаслиги тўғрисидаги ҳулосаси келиб тушган тақдирда, апелляция инстанцияси суди суд муҳокамасини жиноят ишида мавжуд бўлган далиллар асосида давом эттиради.



Амалдаги Қонун талабларига кўра, шахсни жиноят содир этишда тахминларга асосланган ҳолда айблаб бўлмайди.

Шунга кўра, суд муҳокамасини жиноят ишида мавжуд далиллар асосида давом эттириш лозим бўлади.

Апелляция инстанцияси суди, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 382-моддасининг 3-қисмидаги, суриштирув ва дастлабки тергов органи томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, прокурор ўз ваколати доирасида суриштирувчилар ва терговчиларнинг, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қарорларини бекор қилиш мумкинлиги ҳақида талаблардан келиб келиб, ишнинг ўзларига оид қисми тергов органи томонидан тугатилган шахсларни жинойий жинойий жавобгарликка тортиш масаласида қонуний кучда бўлган “Жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақида”ги қарорлар устидан прокурорга муурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топди.

Шунингдек судлов ҳайъати, жабрланувчи Ф.Энинг апелляция инстанцияси судидаги кўрсатувлари ҳамда жабрланувчи Б.Мнинг мазкур иш бўйича Ш.Х улардан ташқари яна 4 нафар фуқародан ишга жойлаштиришни учун пул олиб, фирибгарлик йўли билан алдаб кетганлиги, улар ҳам ариза ёзмақчи эканликлари ҳақидаги важларидан келиб чиқиб, бошқа шахсларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бор-йўқлигини кўриб чиқиб, тегишли баҳо бериш масаласини ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 417-моддаси тартибида Қашқадарё вилоят прокурорига хабар қилишни лозим топди.

Апелляция инстанцияси суди, жабрланувчилар С.Юлдашев, И.Ш ва уларнинг вакили-адвокат Э.Улуғхонованинг судланган Ш.Бга оғирроқ жазо тайинлаш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, биринчи инстанция суди, судланган Ш.Бга жазо тайинлашда, қилмишнинг сабабини, ишдаги барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, Жиноят кодексининг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган тушунтиришларига риоя қилиб, етказилган моддий зарар қопланмаганини, унинг шахсини ҳисобга олиб, қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси жазоси тайинлаб, шунингдек жабрланувчилар фойдасига етказилган моддий зарарни судланган Ш.Бнинг ҳисобидан тўлиқ ҳажмда ундиришни белгилаб, қонуний ва асосли хулосага келган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига мувофиқ, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича субъектив ҳуқуқ – фақат шу мулкнинг эгасига тааллуқли бўлиб, фирибгарлик фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўпол бузувчи, иқтисодий соҳасида ҳам катта зарар келтирувчи жиноят ҳисобланади ва жиддий ижтимоий хавф туғдиради.

Шунингдек, амалдаги қонунларда жамиятда мулк ҳуқуқини эъзозлаш вазияти вужудга келтирилиши лозимлиги, унга нисбатан ҳар қандай тажовузларнинг содир этилиши муқаррар жавобгарликка ва жазога тортилиши кераклиги таъкидланган.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасига мувофиқ, ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар исботланганлиги бўлиши керак.

Ишда аниқланган ҳолатларига кўра, судланган Ш.Б муқаддам айнан фирибгарлик, талончилик жиноятларини содир этганлиги учун судланган ва тайинланган жазо муддатини ўтаб келаётган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, тузалиш йўлига ўтмасдан қасдан айнан шу турдаги жиноятни содир қилган.

Бу эса, судланган Ш.Бга энгилроқ жазо тайинлаш орқали уни ахлоқан тузатиш мумкин эмаслигидан далолат беради.

Бундай ҳолда, судланган Ш.Бнинг шикоятдаги унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, энгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги важларини асосли деб бўлмайди.

Биринчи инстанцияси суди, судланган Ш.Бга Ўзбекистон Республикаси ЖК 61, 60-моддалари тартибида жазо тайинлашда ЖКнинг умумий қисми талабларига риоя қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 61-моддаси 1-қисмининг “б” бандига мувофиқ, ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тўғри келади.

Иш ҳужжатларига кўра, Ш.Бга Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2017 йил 23 мартдаги ҳукмига асосан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўтамаган 2 йил 2 ой 27 кун муддати Жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 2019 йил 14 январдаги ажримига кўра, ЖК 74-моддаси 3-қисмининг “в” бандига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Қарши туман ИИБ Пробация гуруҳининг 2020 йил 30 июлдаги 41/2820 сонли маълумотномасига кўра, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 1 йил 7 ой 20 кунини ўтаган, 7 ой 7 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўталмаган.

Бироқ, биринчи инстанция суди Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тайинланган 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига юқоридаги жазони ЖКнинг 60-моддасига асосан қисман қўшишни лозим топган бир вазиятда, ўталмаган 7 ой 7 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига тенглаштирганда 2 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига тўғри келишини инобатга олмасдан, 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўшиб, хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497²³-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси Умумий қисми моддалари талабларининг бузилганлиги Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилиши деб эътироф этилади ва ҳукми ўзгартириш учун асос бўлади.

Апелляция инстанцияси суди, ҳукми ўзгартиришни, Ш.Бга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тайинланган жазога ЖКнинг 61, 60-моддалари тартибида, жазоларни қисман қўшиши йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, суд ҳукмининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, судланган Ш.Б ва унинг ҳимоячиси-адвокат Р.Тўлаевнинг шикоятини қисман қаноатлантиришни, жабрланувчилар И.Н, Ф.Э ва Б.М ҳамда жабрланувчилар С.Юлдашев, И.Ш ва



уларнинг вакили-адвокат Э.Улуғхонованинг шикоятини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁹, 497²³, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига асосан апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2021 йил 15 январдаги [REDACTED] га нисбатан ҳукми ўзгартирилсин.

Ш.Бга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61, 60-моддалари тартибида узил-кесил 8 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланган Ш.Б ва унинг ҳимоячиси-адвокат Р.Тўлаевнинг шикояти қисман қаноатлантирилсин. Жабрланувчилар И.Н, Ф.Э ва Б.М ҳамда жабрланувчилар С.Юлдашев, И.Ш ва уларнинг вакили-адвокат Э.Улуғхонованинг шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи судья:

Ф.Юсупов

Ҳайъат судьялари:

Х.Бобоқулов

Ш.Бахтиёров

